

Гендер ижтимоий барқарорлик аспектида

А.Қодирий номидаги Жиззах ДПИ

ўқитувчиси С. Абдурахмонов

Муайян даврдаги тараққиёт босқичи фақат шу босқич учунгина хос бўлган талабларни илгари суради. Ушбу талаблар ривожланишнинг муайян даражасига эришганликни белгилаб берувчи мезон ҳамда кўрсаткич моҳиятига эга бўлади. Айни пайтда тараққиёт талаблари унинг олдида турган ва маълум даражага эришиш учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлади.

Бугунги глобал тараққиёт талаблари умумбашарий тамойиллар даражасига эга бўлиб, уларга риоя қилиш жаҳондаги барча мамлакатлар учун умуммажбурий аҳамият касб этади. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳондаги ўрни мана шу талабларни бажаришни қанчалик уддалай олишига боғлиқ бўлиб қолди. Баъзида бундай талаблар анъанавий ижтимоий муносабатлар ва институтларга асосланган мамлакатлар олдида шундай муаммоларни илгари сурадики, уларни анъанавийлик базасида ҳал этиш жуда кескин ва зиддиятли муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Амалда модернизация жараёни ана шундай муаммоларнинг олдини олишга ва ҳал этишга қаратилсада, шу билан бирга у жамият барқарорлигини таъминлаш учун маълум даражада анъанавий муносабатлар ва институтларни сақлаб қолишга интилади. Аслида модернизация анъанавийлик ва замонавийликни мувозанатга келтиришга қаратилган жараёндир. Бироқ замонавий тараққиёт илгари сураётган талаблар жамиятни ва унинг барча соҳаларини янгилашни, ўзгартиришни ҳам илгари сурадики, бу модернизация жараёнини амалга ошираётган мамлакатларда кескин баҳс мавзусига айланган. Ана шундай баҳслар марказида, шубҳасиз, гендер масаласи турибди.

Гендер модернизм маҳсули бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишда давом этаётган ҳамда постмодерн дунёда яшаб келаётган ноёб феномендир. У барча ижтимоий жараёнларга, тарихий тараққиётга модернизм руҳида, анъанавийликни инкор этиш нуктаи назаридан ёндошади. Гендер таълимотининг ижтимоий-фалсафий моҳияти тараққиётни буткул ноодатий ва ностандарт қарашлар, тамойиллар тизимида кўриб чиқиши ва қайта баҳолашида намоён бўлиб, фалсафий-методологик жиҳатдан

анъанавий қарашларнинг бутун бир тизимига қарши оппозицияда турибди. Худди мана шу ҳолат гендер муаммосининг назарий-фалсафий контекстда инсоният олдида турган долзарб муаммолардан бирига айланганлигини кўрсатади. Қолаверса у амалиётда инсоният тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий ва ҳал қилувчи, ҳар бир мамлакат учун эса модернизация жараёнининг тақдирини белгилаб берувчи омилга айланди. Бутун инсоният, мамлакатлар, инсонлар тақдири мана шу омилга боғлиқ бўлиб қолди.

Гендернинг жаҳонда, хусусан Ғарб дунёсида келтириб чиқарган салбий оқибатларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда гендер муносабатларни шакллантириш борасида баъзи йўналишларни белгилаб олиш ҳам методологик, ҳам назарий-амалий аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳаётда гендер муносабатларни, хусусан, гендер тенгликни таъминлаш муҳим принципиал аҳамиятга эга. Айнан гендер тенглик демократик тараққиётга эришганликнинг ва фуқаролик жамияти шаклланганлигининг муҳим мезонларидан бирига айланди. Шунинг учун, “бугунги кунда постсовет макони мамлакатларида, шу қатори Марказий Осиёда гендер муаммоси мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммога айланди. Уни ҳал этиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини барқарорлаштиради, уларни муваффақиятли модернизация қилишга ёрдам беради.”¹ Бироқ модернизация шароитида ёки ундан бошқа ҳолатларда гендерга барча ижтимоий муаммоларнинг “калити” сифатида қараш, бизнинг фикримизча, бир томонламалик ва соддаликдир. Муаммонинг мураккаблик жиҳати шундаки, жамият ҳаётида гендер муносабатларни амалда шакллантириш кун тартибига оғриқли саволларни қўймоқда. Айтиш мумкинки, бундай саволларнинг марказида гендер тенглик масаласи турибди. Гендер контекстда ва юридик процедурада масаланинг моҳияти аниқ. Бироқ ижтимоий барқарорлик контекстида эса умуман бошқача манзара намоён бўлади. Ушбу контекстда гендер тенгликни қандай тушунмоқ ва қандай қўлламоқ керак? Умуман ижтимоий ҳаётга ушбу тенгликни ялпи ва тўлиқ жорий қилиш керакми? Биологик фарқларга асосланган, объектив тарзда амал қиладиган ижтимоий муносабатларнинг баъзи соҳаларига ҳам уни олиб кириш шартми? У ўзи келтириб чиқарган муаммоларни ҳал этишга қодирми? Ёки гендер Ғарб бўлмаган жамиятлар (масалан, ислом дини ҳукмрон бўлган жамиятлар) билан компромиссга эриша оладими? Бу каби саволларга жавоб бериш долзарб аҳамиятга эга.

¹ Ширматова Г. Формирования гендерного равенства — как фактор модернизации общества// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2008. № 1. 84-бет.

Бу борада Россиялик социолог олима Светлана Моор ўзининг “Замонавий жамиятда гендер тадқиқотлари” номли мақоласида Англиялик олима Бетти Фриданнинг шундай фикрларини келтиради: “ “Тенглик” принципи жамиятни ёлғон мақсадларга етаклаб, эркаклар ва аёллар олдига бир-бирига ўхшамаган, кўпгина ҳолларда эса ҳал этиб бўлмайдиган вазифаларни кўяди.”¹ (Масалан, бозор муносабатлари шароитидаги меҳнат тақсимоти уй хўжалигида қандай амал қилади ёки ўғил ва қиз болаларнинг гендер ижтимоийлашуви жараёнига уларнинг биологик фарқлари таъсирлари қандай ҳал қилинади? Ёхуд аёллар ва эркаклар махсус ажратиладиган тузилмалар(армия, жазони ўташ жойлари) гендер муносабатлар доирасига ҳам киритилиши лозимми? Агарда улар бундан мустасно бўлса, у ҳолда гендер тенгликдан не маъно!?). Жуда ғалати парадокс: гендер муаммоларини “тенглик” принципи асосида ҳал этиб бўлмаса, унда шу пайтгача амалга оширилган гендер тадқиқотлари натижалари ва гендер илгари сурган ғоялар чиппака чиқмайдими, “тенглик” принциписиз гендер мавжуд бўла оладими ёки уни қандай тушунмоқ керак? Юқоридаги саволларга жавобларни Бетти Фридандан топамиз. У гендер муаммоларини “тенглик” принципи асосида ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлаб, унинг ўрнига “мувозанат” принципи ва унга асосланган ўз концепциясини илгари суриб шундай дейди: “ “Гендер баланс ёки мувозанат” концепцияси доирасида гендер сиёсатини индивид ҳаётининг барча томонларини қамраб олувчи ягона “тенг ҳуқуқлилик” принципи билан мувофиқликда шакллантириш мумкин эмас. Гендер мувозанатни ташкил этиш мақсадларида инсон ҳаётининг фаолиятининг турли хил томонларига дифференциялаштирилган ёндошув таклиф қилинади. Бошқача айтганда гап уйғун гендер маконини шакллантиришга йўналтирилган у ёки бу муаммоларни ҳал этиш мақсадига эришишнинг турли хил методлари (ихчам ёндошувларда), воситалари ҳақида кетмоқда.”² Мисол учун гендер тадқиқотчиларининг доимий диққат марказида турувчи оила ичидаги ва унинг ташқарисидаги муносабатларга гендер тенгликни жорий қилишда юқоридаги концепцияга асосланилса масала янада ойдинлашади. Чунки оила ўзига хос хусусиятлари, структураси, функцияси, оилавий муносабатларнинг иерархик тузилишга мойиллиги ва нисбатан барқарорлиги билан бошқа ижтимоий муносабатлар ва институтлардан жиддий фарқ қилади. Таълим тизимида муносабатларнинг горизонталлиги ва эркинлиги, ижтимоий мавқе ва ролларнинг ўзгарувчанлигини эътиборга олсак, гендер тенгликни иккала тизимга дифференциал тарзда қўллаш

¹ Моор С.М. Гендерное исследование в современном обществе// Безопасность Евразии. 2001. № 1. 192-бет.

² Ўша манба. 192-бет.

мақсадга мувофиқлиги яққол намоён бўлади. Мана шу ҳолатда гендер зиддиятлар эмас, балки уйғунлик маконига айланади. Бетти Фриданнинг ушбу концепцияси XXI аср неофеминистик қарашларида ва гендер сиёсатида туб бурилиш ясаши муқаррар. Унинг аҳамияти шундан иборатки, у жамиятда анъанавий ижтимоий муносабатлар тизими билан гендер ўртасидаги зиддиятларни, гендернинг миллий ижтимоий муносабатлар ва қарашлар тизими (дискриминацияни ўз ичига олувчи гендер стереотиплардан ташқари)га қарши кескин босимини юмшатишга ҳамда ҳар бир мамлакатда гендер муносабатларни ижодий ўзлаштиришга қаратилган. Бу ерда гап миллий қадриятлар билан гендер муносабатларни уйғунлаштириш ҳақида кетмаяпти. Чунки бу икки феномен ҳам ижтимоий аспектда, ҳам маданий аспектда диаметриал қарама-қарши позицияда турибди. Гап ижтимоий ҳаётда анъанавий ижтимоий структуралар тизими билан гендер муносабатлар ўртасида мувозанатни таъминлаш ҳақида кетмоқда. Яъни гендер муносабатларни жорий этиш жамият барқарор ривожланашига таҳдид солувчи, кескин структуравий ўзгаришларга, миллий қадриятлар ва институтларнинг тубдан барбод этилишига ҳамда ижтимоий-маданий инқирозга олиб келувчи салбий таъсирларни ҳисобга олиш лозимлиги назарда тутилмоқда. Дифференциаллаштирилган ёндошувнинг моҳияти ҳам шундан иборат. Энг асосийси, унинг мақсади гендер муносабатларини жорий этиш тўхтатиб ҳам, тузатиб ҳам бўлмайдиган вайронкор жараёнга — кучга айланиб кетишининг олдини олишдир. Ана шу кучнинг манбаи оила институти бўлиб чиқмоқда. Гендер муаммоларини ҳал этишнинг энг оғриқли томони ҳам оилавий муносабатлар соҳасига тегишлидир. Чунки оила индивид ҳаётининг гендер тенглик принципи тўлиқ қамраб ололмайдиган, қатъий равишда ўрнатилган нисбий иерархик тизимли (ота-оналар ва фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатлар) муносабатлари доирасини ўз ичига олади. Одатда бундай муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларига қараганда қариндошлик алоқалари билан узвий боғланган бўлиб, унинг замирида руҳий-эмоционал яқинлик, доимий ва барқарор бўлган ўзаро ишонч, ўта худбинона қарашлар доирасидан четга чиқиб кетувчи самимий ва умумий манфаатларни англаш ётади. Аксинча деярли ҳар лаҳза юз берадиган ҳаёт учун кураш кундалик ҳаётни зиддиятлар ўпқонига тўлдириб юборади. Ўзаро алоқалар манфаатларнинг даражаси ва амал қилиш муддатларига боғлиқ тарзда ташкил этилади. Натижада индивид руҳий жиҳатдан “бегона” муҳитда, ўзаро алоқаларнинг нобарқарор ва ўзгарувчан шароитида ўзини ёлғиз ҳис эта бошлайди ҳамда оила деб аталмиш “паноҳгоҳ”га кучли эҳтиёж сезади. Фақат ундагина руҳий хотиржамлик, сокинликка эришади, ўзининг инсоний

кадрини топади. Гендер тенглик оилага олиб кирилар экан, унинг фақатгина дискриминация билан боғлиқ мажоролари билан чекланиб, қолган “худудлар”га гендер муносабатларнинг экспанцияси тўхтатилиши ҳамда даҳлсиз деб эълон қилиниши мақсадга мувофиқдир. Яъни оилавий муносабатлар соҳасини Бетти Фридан илгари сурган “мувозанат концепцияси” асосида гендер қамраб олинадиган ва қамраб олинмайдиган муносабатлар доирасига ажратиш ва улар ўртасида мувозанатни сақлаш нафақат “уйғун гендер макони”ни шакллантиришга хизмат қилади, балки ушбу йўналишдаги муаммоларнинг самарали ечилишига улкан замин ҳозирлайди. Амалда бундай чигал ва бир бирига жуда мустаҳкам боғланган муносабатларни тоифалаш осон иш эмас. Бунинг учун ушбу йўналишда кўплаб фундаментал тадқиқотлар (жамиятдаги реал шарт-шароит, индивиднинг индивидуал имкониятлари ва оилага хос хусусият ўртасидаги пропорционалликни, ўзаро таъсир омилларини таҳлил этиш йўналишида) олиб борилиши лозим. Шундагина гендер сиёсатини изчил амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Мана шу маънода оила социологлар талқинидаги ижтимоийлашув агенти ва ижтимоий институт тушунчаси мазмунидан ҳам кенгроқ ва теранроқ моҳиятга эга эканлиги яққол намоён бўлади. Феминистлар ҳам оила тўғридан тўғри ижтимоий экспериментларни тадбиқ этса бўлаверадиган очик объект эмаслигини, бошқа ижтимоий институтларга қараганда индивидуал қонуниятларга эга эканлигини ва буни ҳисобга олишлари лозимлигини англаб етишлари лозим. Бироқ бугунги кунда оила ўз бошидан кечираётган ўзгаришларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Глобаллашув шароитида турли жамиятларда оиланинг маданий фарқлари йўқолиб бориши — унификациялашув жараёни юз бермоқда. Бундан кўринадики, оиланинг маданий қиёфаси муайян вақт давомида ўзгариши мумкин. Лекин бу ўзгаришлар оиланинг ижтимоий моҳияти ва ролининг ўзгариши учун хизмат қилмаслиги керак. Ушбу жараёнда ташқи (бозор муносабатлари тизимидаги меҳнат тақсимоти) ва ички (дифференциаллашув), субъектив (феминизм) ва объектив (дисфункция) омилларнинг мувозанати жуда муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда тизимда кучли паталогик бузилишлар юз беради. Айнан бугунги кунда мувозанатнинг йўқолиши ва оиланинг ижтимоий институт сифатидаги мақомига беписандларча муносабат “оила инқирози” деб аталган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлди. Бунда феминистик ғояларнинг ҳам “хизмати” бекиёс бўлди. Шунинг учун ҳам оилавий муносабатлар доирасида гендер муносабатларни жорий этишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Шу билан бир қаторда анъанавий жамиятларда вазият бироз бошқачароқ. Бундай жамиятларда оила, ҳозирча, сезиларли даражадаги глобал социомаданий

Ўзгаришларга дучор бўлгани йўқ. Аммо гендер ақидаси, худди Ғарбдаги оила атрофида юзага келган муаммоларга олиб келувчи ўзгаришлар учун пешрав вазифасини ўташи мумкин. Масалан, Ғарб бўлмаган жамиятларда, хусусан мамлакатимизда оилавий муносабатлар соҳасида гендер тенгликни таъминлаш учун биринчи навбатда мавжуд анъанавий – маданий тамойилларни тубдан ўзгартириш керак бўлади. Бу эса маданий инқилоб билан тенг. Барчамизга маълумки, бундай тамойиллар халқимиз яшаб келаётган минтақанинг географик ва иқлимий хусусиятлари ҳамда шунга мос тарзда турмуш тарзини — жамоавийликни ташкил этишга йўналтирилган, шунингдек, уни фаол қўллаб-қувватлашга қаратилган. Демак, турмуш тарзини ва ижтимоий муносабатларни ташкил этишнинг анъанавий усуллари ўзгартирмасдан янгича тамойилларни жорий қилиб бўлмайди. Иккинчидан, оилавий муносабатлар иерархик тизимга боғлиқ ҳолда амал қилади. Ўз навбатида, иерархик тизимнинг горизонталлашуви оила дисфункциясига, структуравий ўзгаришларга ва ўзаро алоқаларнинг заифлашувига олиб келиши эҳтимоли ортиб кетади. Натижада, анъанавий тушунишдаги оиланинг том маънодаги ўз мазмун – моҳиятини йўқотиши оилага бўлган эҳтиёжни қондиришга ва унинг ўрнини босувчи, амалда эса бунинг уддасидан чиқа олмаган сохта оила ва иккиламчи ижтимоий муносабатлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай оила англиялик илоҳиётшунос олим Тимоти Ж. Уинтер таъбири билан айтганда “уйқухоналар”га айланиб қолди. Бугунги кунда дунёда, асосан Ғарб жамиятларида кўпгина ёшлар оила қуришни ёхуд фарзанд кўришни истамаяптилар. Улар шахсий ҳуқуқларини оила деб аталмиш маъбудга қурбон қилишни хоҳламаяптиларгина эмас, буни меъёрдан оғиш ҳам дея қабул қилмоқдалар. Узоққа бормасдан ўзининг анъаналарга содиқлиги билан жаҳонга донг таратган ва қадриятлари тўла тўқислигига шубҳа билдирмайдиган японлар ёшларининг бу борадаги қарашлари ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Японияда 2011 йилда ўтказилган социологик тадқиқотларга кўра, мамлакат ёшларининг (18-34 ёшдагилар) ярмидан кўпи оила қуришмаган. Яна ҳам ажабланарлиси, эркакларнинг чорагидан кўпроғи ва аёлларнинг 23 фоизи ўзига умр йўлдоши топишга ҳаракат қилмаслиги аниқланган. Яна бошқа бир мисол. Юқорида номи зикр этилган англиялик илоҳиётшунос олим Тимоти Ж. Уинтер ўзининг “XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш” номли асарида “оила инқирози”га доир бир қатор далилларни келтиради: “Кейинга йилларда Британиялик бир неча диний арбоб оиланинг тараққиёт билан боғлиқ инқирози фожеаси хусусида ўзларининг кўпинча изтиробли, умуман олганда ишончли мулоҳазаларини билдиришди. Ливерпул епископи ва бош раввин ушбу жараён хусусида

одатдаги статистик маълумотлар ёрдамида мана бундай хулосалар чиқарибди: Британияда болаларнинг 34 фоизи никоҳсиз туғилмоқда; тахминан, шунча миқдордаги катта ёшлилар ажрашиш алаmidан азият чекмоқда; келгуси 20 йил давомида британиялик болаларнинг ярмидан озроғигина ота-она тарбиясини олади ва ҳ.к. Жуда оз кишиларгина куйидаги амалий фалокатларга шубҳа билан қарайди: маълум бўлишича, АҚШда қамалганларнинг ярмидан кўпи бузилган оилалар фарзандлари экани, ота-онасининг ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёш, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир кўрсатиб туриши аниқланган. Епископ ҳам, раввин ҳам бугунги тез ўзгариб бораётган дунёда оила бош панасига болалар қатори катталар ҳам ҳеч қачон бу қадар муҳтож бўлмаганидан бирдай ташвиш чекади, уни гуноҳларнинг энг оғири — худбинликкина барбод қилиши мумкин дейди.”¹

Албатта, юқоридаги ҳолатлар вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий омиллар ва маданият соҳасидаги глобаллашув таъсирларини инкор этиб бўлмайди. Аммо феминистик ғоялар усиз ҳам оила бошидан кечираётган оғриқли ўзгаришларга қўшимча унинг ҳалокатли жараёни учун мафкура вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, оилавий муносабатларда тўлиқ гендер тенглик жорий қилинар экан унинг бошқа томони доимо эътибордан четда қолаверади. У ҳам бўлса муаммонинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари. Айнан, маънавий-ахлоқий (патриархал қарашлардаги консерватив унсурлар нуқтаи назаридан эмас, балки умуминсонийлик ва инсоният бахт саодати тамойиллари асосидаги) масалалар гендер муносабатларнинг жамият барқарорлиги ва тараққиёти ҳақидаги холис қарашларини шубҳа остига олади. Жаҳонда эса бу борада икки хил тенденция кузатилади: биринчиси, оилавий муносабатларда мутлоқ гендер тенгликни тарғиб қилишга қарши Ғарб бўлмаган жамиятлар унинг Ғарб дунёсидаги кўриниши ва келтириб чиқарган салбий оқибатларидан қаттиқ ҳадиксирасалар, иккинчи томондан, феминистлар оиланинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига шубҳа билан қарайдилар ҳамда гендер тенгликка қарши чиқувчи ва бартараф этилиши лозим бўлган сўнгги тўсиқ, куч (биргина радикал феминист Симоне де Беовонинг “Оналик инстинкти бекор қилинмагунча, аёллар қуллигича қолаверади” деган сўзларини ёдга олиш кифоя) деб баҳолайдилар. Мана шу нуқта гендер қарашлар ва ўзга маданиятларнинг муросасиз баҳс майдонига айланди. Ушбу баҳс-мунозараларда моҳиятан консенсусга эришиш имкони йўқ бўлсада, компромиссга эришиш жуда муҳим. Феминистик ғоялар ҳамиша анъанавий маданиятларга янгилик сифатида кириб келар экан

¹ Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Т.: Шарқ., 2005. 95-бет.

мавжуд тартибларни тубдан ўзгартиришга интилади. Агарда у мавжуд тартиблар билан ассимиляцияга киришмаса ёки турли маданиятларга адаптацияни амалга ошириш имконини бермаса у ҳолда гендер моҳиятан коммунистик ақидапарастлик сингари ижтимоий ақидапарастликка айланиб қолади. Уларнинг ҳайрон қоларли даражадаги ўхшашлиги шундаки, иккаласи ҳам ўз контекстида “эзувчи” (мулкдорлар, эркаклар) ва “мазлумлар” (ишчилар, аёллар) дихотомияси асосида ижтимоий воқеликни таҳлил этадилар ва баҳолайдилар; мулкый тенгсизликни ҳам, гендер тенгсизликни ҳам инсоннинг табиий-биологик хусусиятлари ва индивидуал имкон-салоҳиятлари турли хиллигидан эмас, балки ижтимоий воқелик ҳамда ундаги мавжуд нуқсонлар билан боғлайдилар; иккаласи ҳам тенгсизликни бартараф қилишда кескин ижтимоий-маданий инқилобларга таянадилар. Ана шу нуқтаи назардан қараганда гендер илгари сураётган олижаноб ғоялар ва кадриятлар, эришган ютуқлари билан бирга ҳамда у билан бирга ҳамроҳ бўлиб келган цивилизацион кадриятлар (шахс эркинлиги)нинг бирдай танқид қилинишига ва инкор этилишига олиб келади. Бундай танқидлар кўпинча Ғарбнинг ўзидан чиқади ҳам. Масалан, Тимоти Ж. Уинтер: “Шахс ҳуқуқлари оила ҳуқуқларидан баланд туради, деган бузмакор тушунча иккаласини ҳам инқирозига сабаб бўлди... Оила инқирози жараёни кескин иқтисодий ва инсоний оқибатларни келтириб чиқармоқдаки, бу инқирозни тан олиш ва кескин чоралар кўриш вақти келгани шубҳасиз”¹, дея таъкидлаган эди.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

— жамиятда гендер муносабатларни шакллантириш борасида феминистик назариялар ягона шаклдаги аниқ амалий концепцияларни ва дастурларни бера олмайди;

— жаҳон тажрибаси (мисол учун Скандинавия мамлакатлари тажрибалари) кўрсатишича, гендер муаммоларни ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб ҳал этиши мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади;

— гендер тенглик принципини ижтимоий ҳаётга мутлоқ жорий этиб бўлмайди, акс ҳолда у миллий маданиятлар томонидан қатъий рад этилиши мумкин;

— жамиятда уйғун гендер маконини шакллантириш учун миллий кадриятлар билан гендер (феминистик) қарашлар ўртасида компромиссга

¹ Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Т.: Шарқ., 2005. 97-99-бет.

эришиш ниҳоятда муҳим. Бунинг учун феминистик назарияларни ижодий ўзлаштириш талаб этилади;

— гендер стереотипларни бартараф этишда ҳамда гендер тенгликни таъминлашда миллий қадриятларнинг ролини ҳисобга олиш лозим;

— оилада гендер муносабатларни шакллантиришнинг жамиятдагидан фарқли равишда алоҳида миллий гендер концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг умумжамиат даражасидаги гендер муносабатлар билан узвийлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга;

— оиланинг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ муаммоларини махсус ўрганиш ва бунинг учун тадқиқот маркази тузилса барқарор тараққиёт учун ташланган муҳим қадамлардан бири бўлар эди;

— ёшларнинг оила ва оилавий муносабатларга муносабатини мунтазам ўрганиб бориш (ҳар беш йилда) ҳамда бунга доир чора тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.